

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ УТКИР ТУРСУНМУРОДОВИЧ**

**ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ БИРИНЧИ ТУҒИШИДАГИ  
ТИРИК ВАЗНИГА БОҒЛИҚЛИҚДА МАҲСУЛДОРЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Рахимов Уткир Турсунмуродович**

Голштин зотли сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнига

боғлиқликда маҳсулдордик хусусиятлари..... 3

**Рахимов Уткир Турсунмуродович**

Продуктивные особенности коров голштинской породы в зависимости от их  
живой массы при первом отеле ..... 21

**Rakhimov Utkir Tursunmurodovich**

Productivity characteristics of holstein cows depending on live weight at first  
calving ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 43

**ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ВА ЧЎЛ ЭКОЛОГИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.12.2019. Qx.75.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАХИМОВ УТКИР ТУРСУНМУРОДОВИЧ**

**ГОЛШТИН ЗОТЛИ СИГИРЛАРНИНГ БИРИНЧИ ТУҒИШИДАГИ  
ТИРИК ВАЗНИГА БОҒЛИҚЛИҚДА МАҲСУЛДОРЛИК  
ХУСУСИЯТЛАРИ**

**06.02.03 - Хусусий зоотехния. Чорвачилик маҳсулотларини  
ишлаб чиқариш технологияси**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Qx725 рақами билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетиде бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.uzkarakul.uz](http://www.uzkarakul.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Аширов Мурадилла Ишанкулович**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шакиров Қахрамон Журабаевич**

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент

**Маматов Бахтиёр Салимович**

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди,  
катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Ипакчилик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD05/12.2019.Qx.75.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47 уй. Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти мажлислар зали 2-қават, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81; e-mail: [uzkarakul30@mail.ru](mailto:uzkarakul30@mail.ru)).

Диссертация билан Қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№219 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140154, Самарқанд, Мирзо Улуғбек кўчаси, 47-уй, институт маъмурий биноси, 1-қават. Тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Диссертация автореферати 2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Э.С.Шаптаков**

Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
к.х.ф.д., (DSc), доцент

**З.С.Кличев**

Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
к.х.ф.д. (PhD), катта илмий ходим

**Д.Холмирзаев**

Илмий даража берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Бугунги кунда дунё мамлакатлари аҳолисининг тўлиқ қийматли ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қорамолчилик тармоғи муҳим ўринга эга. «...Қорамолчилик тармоғи барқарор ривожланган Голландия, Германия, АҚШ, Канада, Исроил, Дания ва Европа Иттифоқи мамлакатларида қорамолларнинг маҳсулдорлик, пуштдорлик хусусиятларини яхшилаш, сунъий қочиришда юқори ирсий имкониятга эга бўлган наслдор буқалардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида сутбоп подаларда сигирларнинг бир бошидан лактация давомида ўртача 10 мингдан 12 минг килограммгача сут соғиб олишга эришилмоқда ҳамда уларнинг замонавий соғиш ускуналарига мослашганлик даражасини оширмоқда»<sup>1</sup>. Шу билан бирга аҳолини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлашда юқори маҳсулдор қорамол зотларидан фойдаланиш долзарб ҳисобланади.

Қорамолчилик тармоғи ривожланган Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида ҳам истеъмол қилган озуқани сут маҳсулоти билан қоплаш хусусияти юқори бўлган зотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундай зотлардан бири голштин зоти ҳисобланади. Голштин зотли сигирлар юқори сут маҳсулдорлиги, сут ёғи чикими, сутдорлик коэффициенти, озуқани сут билан қоплаш хусусияти, экстерьерининг мутаносиб ривожланганлиги ва юқори елин индекси ҳамда машинада соғиш ускуналарига яхши даражада мослашганлиги билан бошқа зотлардан ажралиб туради. Ҳозирги кунда аҳолини арзон ва сифатли сут ҳамда сут маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда аҳолини сут ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда қорамолчилик етакчи соҳа ҳисобланиб, ишлаб чиқарилаётган сутнинг деярли барчаси қорамоллардан олинади. Аҳолини арзон ва сифатли сут ҳамда сут маҳсулотлари билан барқарор таъминлашни янада яхшилаш мақсадида кейинги йилларда бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. 2022-2026-йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида», «...Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини 1,5-2 баробарга ошириш, чорва моллари бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш, аҳоли хонадонларидаги 2,4 млн бош (52 фоиз) сигир ва қочириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, озуқабоп экинларнинг серҳосил навларини кўпайтириш, йил давомида 2-3-мартга ҳосил олиш ва ҳосилдорликни 1,2 баробарга ошириш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Ўзбекистонда чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда зотларнинг маҳсулдорлигини ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, сигирларнинг

<sup>1</sup><http://www.fao.org/docrep/018/i3300e/i3300e.pdf>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги 2022-2026-йилларга мўлжалланган «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида тўғрисида»ги, ПФ-60-сонли Фармони

юқори маҳсулдор подаларини яратиш, елин шакли машинада соғиш ускуналарига мослашган қорамоллардан фойдаланиш муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Ушбу вазифаларини бажариш, юқори маҳсулдор подаларни яратишда голштин зотли сигирларнинг биринчи туғишидаги мақбул тирик вазнини аниқлаш улардан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга ва долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон “Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон “Чорвачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2021 йил 3 мартдаги ПҚ-5017-сон “Чорвачилик тармоқларини давлат томонидан янада қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2022 йил 8 февралдаги ПҚ-120-сон “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастури тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V-«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Голштин зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлигини ошириш, пуштдорлик, елин ва бошқа хусусиятларини яхшилаш, зотни такомиллаштириш, юқори маҳсулдор подаларни яратиш бўйича республикамиз ва хорижда бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва уларнинг натижалари ишлаб чиқаришга тавсия этилган. Республикамиз олимларидан Ш.А.Акмалхонов, У.Н.Носиров, М.И.Аширов, А.К.Кахаров, М.Х.Досмухаммедова, М.К.Нарбаева, Х.А.Донаев, А.С.Ибадуллаева, Ж.Н.Хужамов, З.Б.Суюнова ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган бўлса, хориж олимларидан Л.К.Эрнст, А.И.Бич, Н.И.Стрекозов, П.Прохоренко, Ж.Г.Логинов, И.М.Дунин, С.И.Кузнецов, Л.С.Жебровский каби тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқот ишларида голштин зотли қорамолларнинг турли омилларга боғлиқликда маҳсулдорлик, насл ва пуштдорлик хусусиятларидан фойдаланиш самарадорлиги аниқланган. Аммо айни пайтгача, Зарафшон воҳаси шароитида Германия селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятлари етарлича ўрганилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №0194513 «Қорамолларнинг маҳсулдорлиги ва уни

сифатини яхшилаш бўйича генетик потенциалидан фойдаланишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Зарафшон воҳаси шароитида Германия селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятларини аниқлаш асосида мақбул тирик вазни подалар яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

биринчи туғишидаги тирик вазни билан фарқ қиладиган сигирларни I ва II лактациядаги озиклантириш ва сақлаш шароитини аниқлаш;

сигирларнинг тирик вазни, экстеръери ва тана тузилиш индексларини аниқлаш;

сигирларнинг клиник кўрсаткичлари, иссиққа чидамлилиқ индекси ва пуштдорлик хусусиятларини аниқлаш;

сигирларнинг сут маҳсулдорлигини елин шаклларига боғлиқлигини ва елиннинг морфофункционал хусусиятларини аниқлаш;

сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, лактациянинг кечиш хусусиятлари, ҳар 100 кг тирик вазнига сут маҳсулот чиқими, истеъмол қилган озуқасини сут билан қоплаш даражасини аниқлаш;

тадқиқотнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Зарафшон воҳаси шароитида Германия селекциясига мансуб биринчи туғишидаги тирик вазни билан фарқ қиладиган соф зотли голштин сигирлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб Германия селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирларини озиклантириш ва сақлаш шароити, тирик вазни, экстеръер кўрсаткичлари, тана тузилиш индекслари, елинининг морфофункционал хусусиятлари, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, сутининг сифат кўрсаткичлари ва бошқа хўжалиқ фойдали белгилари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация тадқиқотларини ўрганишда тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг экстеръери, тана тузилиш индекслари, сут маҳсулдорлиги, сутдорлик коэффициенти, зоотехнияда умумий қабул қилинган услублардан, В.Е.Недаванинг «Озуқаларни сут билан қоплаш хусусиятлари», Ю.О.Раушенбахнинг «Иссиқликка чидамлилиқ индексини аниқлаш» Пуштдорлик хусусиятлари, Е.К.Меркуръеванинг «Ўртача арифметик қиймат ( $X$ ), унинг хатоси ( $Sx$ ), ўртача квадратик оғиш ( $\delta$ ), ўзгарувчанлик вариация коэффициенти ( $Cv$ ), ишончлилиқ даражаси ( $td$ ) ва бўсағалари ( $P$ )» усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Зарафшон воҳаси шароитида соф зотли голштин сигирларининг сут маҳсулдорлиги тирик вазнига боғлиқлиги ўрганилиб, биринчи туғишидаги тирик вазни 481 кг ва ундан юқори сигирларнинг сут миқдори I лактацияда 4565,6 кг-ни ташкил этиб, 460 кг-гача бўлган сигирлардан 282 кг ва 461-480 кг сигирлардан 134,9 кг-га юқори бўлганлиги аниқланган;

сигирларни биринчи қочиришдан оталаниш даражаси биринчи туғишидаги тирик вазни 481 кг ва ундан юқори вазни сигирларда 80 фоизга

тенг бўлиб 460 кг-гача ва 461-480 кг сигирлардан 6,7 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган;

сигирларнинг 1 кг табиий сут ишлаб чиқаришга сарфлаган озуқа бирлиги 481 кг ва ундан юқори вазнли сигирларда 1,03 озуқа бирлигига тенг бўлиб, 460 кг-гача ва 461-480 кг сигирлардан 0,04 ва 0,02 озуқа бирлиги кам сарфлаганлиги аниқланган;

сигирларнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланганда, биринчи туғишидаги тирик вазни 481 кг ва ундан юқори вазнли сигирларда рентабеллик 32,7 фоизни ташкил этиб, 460 кг-гача ва 461-480 кг сигирлардан 3,6 ва 1,7 фоизга юқори бўлганлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** кўйидагилардан иборат:

Зарафшон воҳаси шароитида Германия селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнига боғлиқликда сут маҳсулдорлиги аниқланган;

сигирларни биринчи қочиришдан оталаниш даражаси биринчи туғишидаги тирик вазни 481 кг ва ундан юқори вазнли сигирларда 460 кг-гача ва 461-480 кг сигирлардан юқори бўлганлиги аниқланган;

сигирларнинг 1 кг табиий сут ишлаб чиқаришга сарфлаган озуқа бирлиги биринчи туғишидаги тирик вазни 481 кг ва ундан юқори вазнли сигирларга нисбатан 460 кг-гача ва 461-480 кг сигирларда юқори бўлганлиги аниқланган;

сигирларнинг иқтисодий самарадорлиги баҳоланганда, рентабеллик биринчи туғишидаги тирик вазни 481 кг ва ундан юқори вазнли сигирларда 460 кг-гача ва 461-480 кг сигирлардан юқори бўлганлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Диссертация тадқиқотида замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланганлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Зооинженерия факултети апробация комиссияси томонидан илмий-тадқиқот ишлари ва бирламчи материалларга ижобий баҳо берилганлиги, олинган маълумотларга кичик танланмалар усулида статистик ишлов берилганлиги, жорий этиш далолатномалар билан тасдиқлангани ва илмий-тадқиқот натижалари етакчи илмий ва илмий-оммабоп нашрларда чоп қилинганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Зарафшон воҳаси шароитида илк бор Германия селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятларини такомиллаштиришга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижаларни амалиётда қўллаш асосида Германия селекциясига мансуб голштин зотли сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик кўрсаткичлари яхшиланди, сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнининг маҳсулдорлик хусусиятларига таъсири бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Германия селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Германия селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш усуллари Пастдарғом туманидаги “К-Элдор” қорамолчилик фермасида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 30 майдаги 02/23-215-сон маълумотномаси). Натижада I лактацияда III тажриба гуруҳидаги ҳар бир бош сигирдан олинган соф фойда 3885540, сўм рентабеллик даражаси эса 32,7 фоизни ташкил этган;

Германия селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш усуллари Тойлоқ тумани “Сиёб Шавкат Орзу” қорамолчилик фермер хўжалигининг “Деҳқонобод” кишлоқ фуқаролар йиғинидаги иккинчи қорамолчилик фермасида жорий этилган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 30 майдаги 02/23-215-сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир бош сигирдан I лактация давомида олинган соф фойда 3795000 сўм, рентабеллик даражаси 32,5 фоизни ташкил этган;

Германия селекциясига мансуб соф зотли голштин сигирларнинг биринчи туғишидаги тирик вазнига боғлиқликда маҳсулдорлик хусусиятларини яхшилаш усуллари Пастдарғом туманидаги “Севар” қорамолчилик фермер хўжалигида жорий қилинган (Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2022 йил 30 майдаги 02/23-215-сон маълумотномаси). Натижада ҳар бир бош сигирдан олинган соф фойда 3665400 сўм, рентабеллик даражаси 31,4 фоизни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари Пастдарғом туманидаги “К-Элдор” фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш йиғилишларида (2018-2020), Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Зооинженерия факултетининг апробация комиссияси (22.02.2019 й ва 20.06.2020 й) томонидан, Ҳайвонлар генетикаси, селекцияси, урчитиш ва кўпайтириш кафедрасининг кенгайтирилган йиғилишида (09.04.2022 й) ҳамда 2 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 8 та жумладан халқаро ва Республика илмий-амалий конференция материаллари тўпламида 4 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та, шундан 1 таси хорижий нашрларда чоп этилган.

**Диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, ишлаб чиқаришга таклифлар, фойдаланилган

адабиётлар рўйхати қисқартма ва атамалар ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти илмий жиҳатдан асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши ҳамда диссертация ишининг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» бобида республикамиз ва хорижий илмий тадқиқотчиларнинг голштин сигирларнинг сут маҳсулдорлигини оширишда озиклантириш омилининг ўрни, сермаҳсул сутбоп подалар яратишда селекция-наслчилик ишининг аҳамияти, сигирларнинг сут маҳсулдорлигига тирик вазн ва экстерьер кўрсаткичларини таъсири, сигирлар елинининг технологик кўрсаткичлари ва пуштдорлик хусусиятларини яхшилаш омиллари йўналишида олиб борилган тадқиқотлари натижалари таҳлил қилиниб, тегишлича хулосалар қилинган.

Диссертация ишининг «**Тадқиқотларни ўтказиш жойи, шароити ва қўлланилган услублар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган ҳудуднинг табиий-иқлим шароити, тадқиқот манбаи ва тадқиқотни бажариш услублари баён қилинган.

Илмий тадқиқот ишларининг тажриба қисми 2018-2020 йилларда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида жойлашган «К-Элдор» фермер хўжалигининг қорамолчилик наслчилик фермасида бажарилган. Тадқиқотнинг объекти сифатида «К-Элдор» фермер хўжалиги шароитида Германия селекциясига мансуб биринчи туғишидаги тирик вазни билан фарқ қиладиган соф зотли голштин сигирлари олинган. Тадқиқотлар давомида биринчи туғишидаги тирик вазни билан фарқ қиладиган сигирларнинг озиклантириш ва сақлаш шароити, экстерьер ва тана тузилиш индекслари, айрим биологик хусусиятлари, елинининг морфофункционал хусусиятлари ва елин шаклларига боғлиқликда сут маҳсулдорлиги, лактациянинг кечиш хусусиятлари, ҳар 100 кг тирик вазнга боғлиқликда сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари, истеъмол қилган озуқасини сут билан қоплаш даражаси, тадқиқот натижаларини иқтисодий баҳолаш, тажрибаларда олинган маълумотларга биометрик ишлов беришда қўлланилган усул ва услублар баён қилинган.

Диссертациянинг «Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг озиклантириш, сақлаш шароити, экстеръери ва айрим биологик хусусиятлари» деб номланган учинчи бобида тажриба гуруҳларидаги сигирларни озиклантириш ва сақлаш шароити, тирик вазни, экстеръери ва тана тузилиш индекслари ҳамда айрим биологик хусусиятларини ўрганиш йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Сутбоп подаларда сигирларга бир типли озиклантиришни ташкил этиш уларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича ирсий имкониятларидан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Хўжаликда йил давомида бир типли озиклантириш ташкил қилинган бўлиб ширали, концентрат ва айрим дағал озуқалар хўжаликнинг ўзида етиштирилади. Қуйидаги 1-жадвалда I ва II лактация давомида тажрибадаги сигирларга сарфланган озуқа миқдори ва бирлиги келтирилди.

1-жадвал

**Тажриба гуруҳларидаги сигирларга I ва II лактация давомида сарфланган озуқалар миқдори ва тўйимлилиги (ўртача 1 бошга).**

Озуқалар ва уларнинг тўйимлилиги	Гуруҳлар											
	I лактация						II лактация					
	I		II		III		I		II		III	
	Оз.миқ кг	Озуқа. бир	Оз.миқ кг	Озуқа. бир	Оз.миқ кг	Озуқа. бир	Оз.миқ кг	Озуқа. бир	Оз.миқ кг	Озуқа. бир	Оз.миқ кг	Озуқа. бир
Беда пичани	1250	550	1250	550	1250	550	1300	572	1300	572	1300	572
Буғдой сомони	1020	204	1020	204	1020	204	1020	204	1020	204	1020	204
Пахта шлуҳаси	1164	325,92	1164	325,92	1164	325,92	1170	327,6	1170	327,6	1170	327,6
Сенаж	1311	458,85	1311	458,85	1311	458,85	1395	488,25	1395	488,25	1395	488,25
Маккажўхори силоси	6061	1212,2	6400	1280	6652	1330,4	6650	1330	7035	1417	7690	1549
Нимқанд лавлаги	1085	184,45	1085	184,45	1085	184,45	1090	185,3	1090	185,3	1090	185,3
Макка ёрмаси	700	931	700	931	700	931	710	944,3	710	944,3	710	944,3
Буғдой ёрмаси	428	543,56	428	543,56	428	543,56	440	548,8	440	548,8	440	548,8
Пахта шроти	196	174,44	196	174,44	196	174,44	200	178	200	178	200	178
Озуқа бирлиги		4584,4		4652,2		4702,6		4788,2		4865,2		4996,3

1-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, I лактация давомида истеъмол қилинган озуқаларнинг миқдори ва тўйимлилиги бўйича энг юқори кўрсаткич III тажриба гуруҳидаги сигирларда кузатилган бўлиб, бу кўрсаткич 4702,6 озуқа бирлигига тенг бўлди ҳамда I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирлар кўрсаткичидан тегишлича: 118,2 озуқа бирлиги ёки 2,5 фоиз; ва 50,4 озуқа бирлиги ёки 1,1 фоизга устунлик қилди. II лактация давомида ҳам III тажриба гуруҳидаги сигирларда озуқаларнинг тўйимлилиги ва миқдори бўйича юқори кўрсаткич кузатилган бўлиб, 4996,3 озуқа

бирлигига тенг бўлди. Бу I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг лактация давомида истеъмол қилган озуқа бирлигидан тегишлича: 208,1 озуқа бирлиги ёки 4,16 фоиз; 131,1 озуқа бирлиги ёки 2,62 фоизга кўпроқ бўлди.

Сигирларнинг экстерьер хусусиятлари бўйича селекция-наслчилик ишларини олиб бориш, экстерьерни мақбул ривожланган сигирлар бош сонини кўпайтириб бориш ва мутаносиб тирик вазнга эришиш маҳсулдор сутбоп подалар яратишда муҳим аҳамиятга эга. Сигирларнинг экстерьерини ўрганиш уларнинг маҳсулдорлигини баҳолашда алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Тажрибадаги сигирларнинг тана тузилиш индексларини I ва II лактация давомида ўрганиб, олинган натижаларни қуйидаги 2-жадвалда келтирдик.

## 2-жадвал

### Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг тана тузилиш индекслари, %

Индекслар	I лактация			II лактация		
	Гуруҳлар					
	I	II	III	I	II	III
Узуноёқлилик	46,0	46,0	45,6	46,3	46,2	46,5
Чўзинчоқлик	124,3	124,3	123,9	124,4	124,0	123,8
Кўкракдорлик	67,3	67,7	68,0	67,2	67,3	68,4
Тос-кўкрак	94,0	94,2	94,2	92,6	92,8	94,0
Зичлилик	123,0	122,9	123,1	122,0	122,5	122,0
Суякдорлик	14,9	14,9	14,8	14,8	14,7	14,6

2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатдики, I лактацияда узуноёқлилик индекси 45,6-46,0; чўзинчоқлик индекси 124,3-123,9; кўкракдорлик индекси 67,3-68,0; тос-кўкрак индекси 94,0-94,2; зичлилик индекси 122,9-123,1; суякдорлик индекси эса 14,8-14,9; % оралиғида бўлганлигини кўришимиз мумкин. II лактацияда узуноёқлилик индекси 46,2-46,5; чўзинчоқлик индекси 123,8-124,4; кўкракдорлик индекси 67,2-68,4; тос-кўкрак индекси 92,6-94,0; зичлилик индекси 122,0-122,5; суякдорлик индекси 14,6-14,8; % оралиғида бўлди. Маълумотларининг таҳлили барча тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг танаси мутаносиб ривожланганлигини кўрсатди.

Диссертациянинг «Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги» деб номланган тўртинчи бобида тажриба гуруҳларидаги сигирлар елинининг морфофункционал хусусиятлари ва елин шаклларида боғлиқликда сут маҳсулдорлигини, I ва II лактациядаги сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, лактациясининг кечиш хусусиятлари, ҳар 100 кг тирик вазнга боғлиқликда сут маҳсулдорлик кўрсаткичлари, озуқани сут билан қоплаш даражаси ҳамда иқтисодий самарадорлик йўналишида олиб борилган тадқиқот натижалари баён қилинган.

Тажриба гуруҳларидаги тоссимон ва косасимон елин шаклига эга сигирларнинг I ва II лактациядаги сут маҳсулдорлиги ўрганиб олинган натижаларни 3,4,5-жадвалларда келтирдик.

### 3-жадвал

#### Тажриба гуруҳларидаги тоссимон елин шаклига эга сигирларнинг I лактациядаги сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	C <sub>v</sub> ,%	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	C <sub>v</sub> ,%	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	C <sub>v</sub> ,%
Бош сони	n=10		n=11		n=11	
Тирик вазни, кг	453,1±5,5	3,64	471,0±2,13	1,43	490,3±2,94	1,90
Сут миқдори, кг	4343,2±71,9	4,97	4473,7±94,3	6,66	4618,4±75,3**	5,15
Сутдаги ёғ, %	3,91±0,04	3,07	3,91±0,03	2,43	3,91±0,04	3,23
Сут ёғи чиқими, кг	169,8±1,91	3,37	174,9±1,76	3,18	180,6±2,17***	3,8
Сутдаги оқсил, %	3,54±0,01	0,85	3,54±0,02	1,79	3,54±0,01	0,89
Сут оқсил чиқими, кг	153,7±1,8	3,51	158,4±1,9	3,79	163,5±1,98***	3,83
4 %-ли сут миқдори, кг	4245,5±80,1	5,66	4376,7±76,5	5,52	4514,5±62,9**	4,4
Сутдорлик коэф., кг	959,9±20,8	6,50	949,9±19,8	6,59	942,5±31,0	10,4

\*\* (P>0,99)

\*\*\* (P>0,999)

3-жадвал маълумотлари шуни кўрсатдики, I лактациядаги тоссимон елин шаклига эга III тажриба гуруҳидаги сигирлар I ва II тажриба гуруҳларидаги тенгқурларига нисбатан тирик вазни бўйича 37,2 кг ёки 8,2 фоиз; 19,3 кг ёки 4,1 фоиз; сут миқдори бўйича 275,2 кг (P>0,99) ва 144,7 кг, сут ёғи чиқими бўйича 10,8 кг (P>0,999) ва 5,7 кг, сут оқсил чиқими бўйича 9,8 кг (P>0,999) ва 5,1 кг, 4%-ли сут миқдори бўйича 269,0 кг (P>0,99) ва 137,8 кг юқори кўрсаткичга эга бўлди.

### 4-жадвал

#### Тажриба гуруҳларидаги косасимон елин шаклига эга сигирларнинг I лактациядаги сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	C <sub>v</sub> ,%	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	C <sub>v</sub> ,%	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	C <sub>v</sub> ,%
Бош сони	n=5		n=4		n=4	
Тирик вазни, кг	444,7±10,0	4,50	467,7±4,27	1,58	488,1±3,53	1,25
Сут миқдори, кг	4164,4±75,2	3,61	4312,5±127,1	5,11	4420,5±52,2**	2,05
Сутдаги ёғ, %	4,0±0,09	4,5	3,97±0,07	3,0	3,9±0,03	1,33
Сут ёғи чиқими, кг	166,6±1,64	1,96	171,2±1,86	1,88	172,4±1,53**	1,54
Сутдаги оқсил, %	3,6±0,02	1,11	3,56±0,02	0,97	3,54±0,01	0,49
Сут оқсил чиқими, кг	149,9±1,6	2,13	153,5±1,3	1,47	156,5±1,96**	2,17
4 %-ли сут миқдори, кг	4164,4±44,9	2,16	4280,0±68,4	2,77	4310,0±33,4**	1,34
Сутдорлик коэф., кг	936,4±19,3	4,12	922,1±18,6	3,49	905,6±5,75	1,10

\*\* (P>0,99)

4-жадвал маълумотларида, косасимон елин шаклига эга III тажриба гуруҳидаги сигирлар I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирлардан тирик вазни

бўйича 43,4 кг ёки 9,8 фоиз; 20,4 кг ёки 4,4 фоиз; сут миқдори бўйича 256,1 кг ( $P>0,99$ ) ва 208,0 кг, сут ёғи чиқими бўйича 5,8 кг кг ( $P>0,99$ ) ва 1,2 кг, сут оксил чиқими бўйича 6,6 кг ( $P>0,99$ ) ва 3,0 кг 4%-ли сут миқдори бўйича 145,6 кг ( $P>0,99$ ) ва 30,0 кг юқори кўрсаткичга эга бўлганлиги кузатилди.

#### 5-жадвал

### Тажриба гуруҳларидаги тоссимон елин шаклига эга сигирларнинг

#### II лактациядаги сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$
Бош сони	n=10		n=11		n=11	
Тирик вазни, кг	501,4±6,22	3,72	525,2±4,53	2,73	554,4±4,85	2,77
Сут миқдори, кг	4819,6±101,8	6,33	5004,3±132,5	8,37	5276,9±141,4**	8,47
Сутдаги ёғ, %	3,89±0,03	2,31	3,88±0,03	2,44	3,85±0,04	3,28
Сут ёғи чиқими, кг	187,5±1,63	2,6	194,2±2,02	3,29	203,2±1,87***	2,91
Сутдаги оксил, %	3,53±0,02	1,7	3,52±0,02	1,8	3,50±0,01	0,9
Сут оксил чиқими, кг	170,1±1,5	2,64	176,2±1,3	2,33	184,7±1,6***	2,74
4 %-ли сут миқдори, кг	4687,0±77,9	4,99	4854,2±106,2	6,91	5079,0±122,9**	7,65
Сутдорлик коэф., кг	961,2±9,61	3,0	953,3±25,7	8,54	951,7±25,9	8,62

\*\*( $P>0,99$ ) \*\*\*( $P>0,999$ )

5-жадвал маълумотларида, II лактацияда ҳам тоссимон елин шаклига эга III тажриба гуруҳидаги сигирлар I ва II тажриба гуруҳидаги сигирларидан тирик вазни бўйича 53,0 кг ёки 9,6 фоиз; 29,2 кг ёки 5,27 фоиз; сут миқдори бўйича 457,3 кг ( $P>0,99$ ) ва 272,6 кг, сут ёғи чиқими бўйича 15,7 кг ( $P>0,999$ ) ва 9,0 кг, сут оксими чиқими бўйича 14,6 кг ( $P>0,999$ ) ва 8,5 кг, 4%-ли сут миқдори бўйича 392,0 кг ( $P>0,99$ ) ва 224,8 кг юқори кўрсаткичларга эга бўлган.

#### 6-жадвал

### Тажриба гуруҳларидаги косасимон елин шаклига эга сигирларнинг

#### II лактациядаги сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$
Бош сони	n=5		n=4		n=4	
Тирик вазни, кг	488,4±11,7	4,79	518,2±7,83	2,61	546,8±4,18	1,32
Сут миқдори, кг	4581,4±122	5,32	4796,8±171,5	6,19	5009,2±51,1**	1,77
Сутдаги ёғ, %	3,95±0,07	3,54	3,92±0,06	2,65	3,88±0,04	1,78
Сут ёғи чиқими, кг	181,0±2,13	2,35	188,0±1,46	1,34	194,4±1,65***	1,47
Сутдаги оксил, %	3,57±0,02	1,12	3,55±0,02	0,97	3,52±0,01	0,49
Сут оксил чиқими, кг	163,6±1,7	2,08	170,3±1,5	1,52	176,3±1,9***	1,86
4 %-ли сут миқдори, кг	4524,1±105,3	4,65	4700,8±223,1	8,22	4858,9±65,4**	2,33
Сутдорлик коэф., кг	938,0±20,1	4,28	925,7±39	7,29	916,1±3,12	0,59

\*\*( $P>0,99$ ) \*\*\*( $P>0,999$ )

6-жадвал маълумотлари кўрсатишича, II лактацияда ҳам III тажриба гуруҳидаги косасимон елин шаклига эга сигирларнинг тирик вазни бўйича 58,4 кг ёки 10,7 фоиз; 28,6 кг ёки 5,23 фоиз; сут миқдори бўйича 427,8 кг

( $P>0,99$ ) ва 212,4 кг, сут ёғи чиқими, 13,4 кг ( $P>0,999$ ) ва 6,4 кг, сут оксили чиқими бўйича 12,7 кг ( $P>0,999$ ) ва 6,0 кг, 4%-ли сут миқдори, 334,8 кг ( $P>0,99$ ) ва 158,1 кг юқори кўрсаткичга эга бўлди.

Тажиба гуруҳларидаги сигирларнинг I ва II лактацияларда сут маҳсулдорлик кўрсаткичларини ўрганиш натижасида олинган маълумотларни 7,8-жадвалларда келтирдик.


7-жадвал

**Тажиба гуруҳларидаги сигирларнинг I лактациядаги сут маҳсулдорлиги**

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S\bar{x}$	$C_v, \%$
Сут миқдори, кг	4283,6±72,0	6,29	4430,7±75,3	6,36	4565,6±107,1*	8,78
Сутдаги ёғ, %	3,94±0,035	3,29	3,93±0,026	2,44	3,91±0,03	2,67
Сут ёғи чиқими, кг	168,7±2,03	4,52	174,1±2,17	4,68	178,5±3,11**	6,52
Сутдаги оксил, %	3,56±0,02		3,55±0,01		3,54±0,01	
Сут оксил чиқими, кг	152,5±1,78		157,3±1,94		161,6±1,14***	
4 %-ли сут миқдори, кг	4219,3±49,5	4,40	4353,2±54,5	4,69	4462,9±77,7**	6,53
Тирик вазни, кг	450,3±4,69	3,90	470,1±1,82	5,47	489,7±2,25	1,72
Қуруқ модда, %	12,45		12,44		12,41	
Ёғсизлантирилган қуруқ сут қолдиғи, %	8,67		8,67		8,66	
Сут қанди, %	4,51		4,51		4,50	

\*( $P>0,95$ ) \*\*( $P>0,99$ ) \*\*\*( $P>0,999$ )

7-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, биринчи туғишдаги тирик вазни 481 кг-дан юқори бўлган III гуруҳ сигирларининг I лактациясида сут миқдори биринчи туғишидаги тирик вазни 460 кг-гача ва 461-480 кг бўлган I ва II гуруҳлардаги сигирларникидан тегишлича 282,0 кг ( $P>0,95$ ) ва 134,9 кг, сут ёғи чиқими 10,8 кг ( $P>0,99$ ) ва 4,4 кг, сут оксили чиқими 9,1 кг ( $P>0,999$ ) ва 4,4 кг, 4%-ли сут миқдори 243,6 кг ( $P>0,99$ ) ва 109,7 кг юқори бўлганлиги аниқланди.



1-расм. I лактациядаги сигирларнинг лактация эгри чизиғи.


## Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг II лактациядаги сут маҳсулдорлиги

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар					
	I		II		III	
	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	$C_v, \%$	$\bar{X} \pm S_{\bar{x}}$	$C_v, \%$
Сут миқдори, кг	4740,2±92,6	7,31	4949,0±104,6	7,91	5205,5±113,5**	8,16
Сутдаги ёғ, %	3,91±0,03	2,54	3,89±0,03	2,75	3,86±0,04	3,61
Сут ёғи чиқими, кг	185,3±2,8	5,58	192,5±2,95	5,73	200,9±3,43***	6,44
Сутдаги оқсил, %	3,54±0,03		3,53±0,01		3,51±0,02	
Сут оқсил чиқими, кг	167,8±2,12	4,72	174,7±1,86	3,98	182,7±1,54***	3,15
4%-ли сут миқдори, кг	4633,5±65,6	5,30	4812,9±74,9	5,83	5022,8±86,5***	6,50
Тирик вазни, кг	497,1±5,48	4,13	523,3±6,74	4,82	552,4±6,70	4,54
Куруқ модда, %	12,41		12,39		12,35	
Ёғсизлантирилган куруқ сут қолдиғи, %	8,66		8,66		8,65	
Сут қанди, %	4,50		4,50		4,50	

\*\*(P&gt;0,99)

\*\*\*(P&gt;0,999)

8-жадвал маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, II лактацияда биринчи туғишдаги тирик вазни 481 кг-дан юқори бўлган III гуруҳ сигирларининг сут миқдори биринчи туғишидаги тирик вазни 460 кг-гача ва 461-480 кг бўлган I ва II гуруҳлардаги тенгқурлариникидан тегишлича 465,3 кг (P>0,99) ва 256,5 кг, сут ёғи чиқими 15,6 кг (P>0,999) ва 8,4 кг, сут оқсили чиқими 14,9 кг (P>0,999) ва 8,0 кг, 4%-ли сут 389,3 кг (P>0,999) ва 209,9 кг юқори бўлди. III тажриба гуруҳидаги сигирларнинг сут ёғи чиқими, 200,9 кг-ни ташкил этиб ўз тенгқурлари I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирлардан мос ҳолда 15,6 кг ёки 8,4 фоиз ва 8,4 кг ёки 4,4 фоиз 4 % -ли сут миқдори эса 5022,8 кг-ни ташкил этиб, тенгқурлари кўрсаткичларидан 389,3 кг ёки 8,4 фоиз ва 209,9 кг ёки 4,4 фоизга юқори кўрсаткичга эга бўлди.



2-расм. II лактациядаги сигирларнинг лактация эгри чизиғи.

Сут ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда сигирларнинг озукани сут билан қоплаш даражаси алоҳида амалий аҳамият касб этади ва сигирлардан сутбоп подада фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади. Айниқса, турли тирик вазнга эга сигирларнинг сут маҳсулдорлик даражасини ўрганиш ва озукани сут билан қоплаш кўрсаткичларини баҳолаш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

## 9-жадвал

### Сигирларнинг озукани сут маҳсулоти билан қоплаш кўрсаткичлари n=15

Кўрсаткичлар	I лактация			II лактация		
	I	II	III	I	II	III
Гуруҳлар						
Лактацияда ҳар 1 бош сигирга сарфланган озуқа бирлиги, кг	4584,4	4652,2	4702,6	4788,2	4865,2	4996,3
Сут миқдори, кг	4283,6	4430,7	4565,6	4740,2	4949,0	5205,5
4%-ли сут миқдори, кг	4219,3	4353,2	4462,9	4633,5	4812,9	5022,8
1 кг табиий сут ишлаб чиқаришга сарфланган озуқа бирлиги, кг	1,07	1,05	1,03	1,01	0,98	0,96
1 кг 4%-ли сут учун сарфланган озуқа бирлиги, кг	1,09	1,07	1,05	1,03	1,01	0,99
Ҳар 100 озуқа бирлигига ишлаб чиқарилди:						
табиий ёғлиликдаги сут, кг	93,44	93,57	97,09	99,0	101,7	104,2
4% -ли сут, кг	92,04	93,57	94,90	96,76	98,92	100,5

9-жадвал маълумотлари таҳлилидан кўринишича, III тажриба гуруҳидаги сигирлар I ва II тажриба гуруҳларидаги ўз тенгқурларига нисбатан озукани сут маҳсулоти билан қоплаш даражаси юқори бўлган. Биринчи туғишида тирик вазни 481 кг ва ундан юқори бўлган сигирлар юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлдилар ва уларнинг I лактацияда сут миқдори 460 кг-гача, 461-480 кг тирик вазнли сигирларникидан тегишлича 282,0 ва 134,9 кг юқори бўлди. Юқори сут маҳсулдорлигига эга бўлган III тажриба гуруҳидаги сигирлар 1 кг табиий ёғлиликдаги сут ишлаб чиқариш учун I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирларга нисбатан тегишлича 3,8 ва 2,0% ҳамда 1 кг 4%-ли сут учун 3,7 ва 1,9% кам озуқа бирлиги сарфладилар II лактацияда III тажриба гуруҳидаги сигирлар 1 кг табиий сут ишлаб чиқаришга 0,96 озуқа бирлиги сарфлади ҳамда I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирларга қараганда 0,05 озуқа бирлиги ёки 5,2 фоиз ва 0,02 озуқа бирлиги ёки 2,1 фоиз 1 кг 4%-ли сут учун эса 0,99 озуқа бирлиги сарфлади ва тенгқурларига нисбатан 0,04 озуқа бирлиги ёки 4,0 фоиз 0,02 озуқа бирлиги ёки 2,0 фоиз кам сарфладилар, бироқ ҳар 100 озуқа бирлигига нисбатан тегишли равишда 5,2 кг ёки 5,2 фоиз ва 2,5 кг ёки 2,5 фоиз кўп сут ишлаб чиқардилар.

Тажриба гуруҳларидаги барча сигирлар озукани яхши даражада сут маҳсулоти билан қоплаш хусусиятига эга эканлигини кўрсатди. III тажриба

гуруҳдаги сигирлар I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирлардан барча кўрсаткичлар бўйича I ва II лактацияда ҳам устунлик қилди. Барча тажриба гуруҳларидаги сигирлардан серсут подаларда фойдаланиш самарали эканлигини кўрсатди.

Тадқиқотларимиз натижалари биринчи туғишдаги тирик вазни 481 кг ва ундан юқори тирик вазнга эга сигирлар тирик вазни 460 кг-гача ва 461-480 кг бўлган тажриба гуруҳидаги сигирларнинг лактациясининг сонидан қатъий назар, III тажриба гуруҳидаги сигирларнинг рентабеллик даражаси, I ва II тажриба гуруҳларига нисбатан юқори бўлган бўлиб, I лактацияда 32,7 фоизни ташкил этди, бу эса I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирларга нисбатан 3,6 фоиз ва 1,7 фоизга, II лактацияда эса 33,8 фоизни ташкил этиб I ва II тажриба гуруҳларига қараганда 4,5 фоиз ва 2,0 фоизга юқори бўлди. Демак, III тажриба гуруҳидаги сигирлар, нафақат зоотехникавий, балки иқтисодий жиҳатдан ҳам устунлик қилди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Тажриба гуруҳларидаги сигирлар бир типли озиқлантириш билан озиқлантирилди. Иккала лактацияда ҳам озуқаларнинг миқдори ва тўйимлилиги бўйича энг юқори кўрсаткич 481 кг ва ундан юқори бўлган III тажриба гуруҳидаги сигирларда кузатилиб бу кўрсаткич I лактацияда 4702,6 озуқа бирлигига тенг бўлиб 460 кг-гача ва 461-480 кг бўлган сигирлардан 118,2 ва 50,4 озуқа бирлигига, II лактацияда 4996,3 озуқа бирлигига тенг бўлиб 208,1 ва 131,1 озуқа бирлигига кўпроқ бўлди.

2. Тажриба гуруҳларидаги сигирлардан олинган тана ўлчамлари ва ҳисобланган тана тузилиш индекслари бўйича гуруҳлараро сезиларли фарқ кузатилмади. Сут маҳсулдорлиги билан бевосита боғлиқликда бўлган кўкрак эни, кўкрак айланаси ва кўкрак чуқурлиги каби ўлчамлар 481 кг ва ундан юқори вазнли сигирларда 460 кг-гача ва 461-480 кг бўлган сигирларга қараганда I лактацияда кўкрак эни 1,6 ва 1,2 см, кўкрак айланаси 2,8 ва 2,3 см, кўкрак чуқурлиги 1,7 ва 1,4 см, II лактацияда эса 1,6 ва 1,2 см, 2,8 ва 1,4 см, 2,1 ва 1,6 см юқори бўлди.

3. Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг йил фасллари кесимидан қатъий назар, клиник кўрсаткичлари физиологик меъёр талабларига мос бўлди. Бошқа фаслларга қараганда ёз фаслида тана ҳарорати, нафас олиши ва юрак уриши каби кўрсаткичлари юқори бўлди. Хусусан, тана ҳарорати ёз фаслида куз фаслига нисбатан 0,3-0,4; киш фаслига нисбатан 0,8-0,9; баҳор фаслига нисбатан 0,2-0,3°C га ошганлиги кузатилди.

4. Биринчи туғишидаги тирик вазни 481 кг ва ундан юқори бўлган III тажриба гуруҳидаги сигирлар иссиққа чидамлилиқ индекси 84,8 бирликка тенг бўлиб 460 кг-гача ва 461-480 кг бўлган I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирлардан 0,4 бирликка юқори бўлди. Бу эса тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг Зарафшон воҳасининг иссиқ иқлим шароитига яхши даражада мослашганлигидан далолат беради.

5. Биринчи қочиришдан оталаниш даражаси 460 кг-гача ва 461-480 кг бўлган сигирларда 73,3%, қочириш индекси 1,36-га тенг бўлган бўлса, 481 кг ва ундан юқори бўлган сигирларда оталаниш даражаси 80фоиз, қочириш индекси 1,25-га тенг бўлди. Бу маълумотлар III тажриба гуруҳидаги сигирлар I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирлардан биринчи қочиришдан оталаниш даражасида 6,7 фоизга ҳамда қочириш индекси 0,11 га юқори бўлганлигини кўрсатди.

6. Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг 66,7-73,3 фоизи тоссимон елин шаклига ва 26,7-33,3 фоизи косасимон елин шаклига эга бўлдилар. Тоссимон елин шаклига сигирларнинг сут миқдори, сут ёғи чиқими, сут оксили чиқими, 4%-ли сут миқдори косасимон елин шаклига эга сигирларга нисбатан юқори бўлди. Олинган маълумотлар барча тажриба гуруҳларидаги сигирлар машинада соғишга яроқли эканлигидан далолат беради.

7. Биринчи туғишидаги тирик вазни 481 кг ва ундан юқори тирик вазнга эга III тажриба гуруҳидаги сигирлар, 460 кг-гача ва 461-480 кг бўлган I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирларига қараганда I лактацияда сут миқдори 282,0 кг ва 134,9 кг, сут ёғи чиқими 9,8 кг ва 4,4 кг, сут оксили чиқими 9,1 кг ва 4,4 кг, 4%-ли сут миқдори 243,6 кг ва 109,7 кг II лактацияда сут миқдори 465,3 кг ва 256,5 кг, сут ёғи чиқими 15,6 кг ва 8,4 кг, сут оксили чиқими 14,9 кг ва 8,0 кг, 4%-ли сут 389,3 кг ва 209,9 кг юқори бўлди.

8. Тажриба гуруҳларидаги сигирларининг I лактациядаги энг юқори ойлик сут миқдори барча гуруҳларда лактациянинг учинчи ойида кузатилиб, бу ойдаги сут миқдори I тажриба гуруҳида лактациядаги умумий сут миқдорининг 12,33 фоизни, II тажриба гуруҳида 12,37 фоизни, III тажриба гуруҳида эса 12,53 фоизни, ташкил этган бўлса, II лактацияда энг юқори ойлик сут миқдори II тажриба гуруҳида лактациянинг иккинчи ойида кузатилди ҳамда лактациядаги умумий сут миқдорининг 14,9 фоизни, I ва III тажриба гуруҳларидаги сигирларда эса лактациянинг учинчи ойида кузатилди ва лактациядаги умумий сут миқдорининг 14,8 ва 15,1 фоизни, ташкил этди.

9. Тажриба гуруҳларидаги сигирларнинг лактациясидан қатъий назар, ҳар 100 кг тирик вазни ҳисобига сут маҳсулоти чиқими барча гуруҳларда юқори даражада бўлди. Бундай сигирлардан юқори сермахсул подаларда фойдаланиш самарали эканлигидан далолат беради.

10. Биринчи туғишидаги тирик вазни 481 кг ва ундан юқори вазли сигирлар озукани сут маҳсулоти билан қоплаш хусусияти бўйича 460 кг-гача ва 461-480 кг сигирлардан устунлигини намоён қилди. 1 кг табиий сут ишлаб чиқаришга I лактацияда 1,03 озукани бирлиги сарфлади ва тенгқурларидан 0,04 ва 0,02 озукани бирлиги, II лактацияда 0,96 озукани бирлиги сарфлаб 0,05 ва 0,02 озукани бирлиги камроқ сарфлади. Аммо 100 озукани бирлигига I лактацияда 3,65 ва 3,52 кг, II лактацияда 5,2 ва 2,5 кг кўпроқ сут ишлаб чиқарди.

11. Тадқиқотларимиздан олинган соф фойда миқдори бўйича энг юқори кўрсаткич III тажриба гуруҳидаги сигирларда кузатилди. I лактацияда олинган соф фойда 3885540 сўмни ташкил этиб, I ва II тажриба гуруҳларидаги сигирлардан 512923 сўм ва 240660 сўмга, рентабеллик

даражаси 32,7 фоизга тенг бўлиб 3,6 ва 1,7 фоизга, II лактациясида олинган соф фойда 5186400 минг сўмни ташкил қилди ҳамда 871772 сўм ва 427307 сўмга, рентабеллик даражаси 33,8 фоиз бўлиб 4,5 ва 2,0 фоизга юқори бўлди. III тажриба гуруҳидаги сигирлар, I ва II гуруҳ тенгқурларидан нафақат зоотехникавий балки иқтисодий жиҳатдан ҳам устунлик қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 05/30.12.2019. Qx.75.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ  
ИНСТИТУТЕ КАРАКУЛЕВОДСТВА И ЭКОЛОГИИ ПУСТЫНЬ**

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ  
ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И  
БИОТЕХНОЛОГИЙ**

**РАХИМОВ УТКИР ТУРСУНМУРОДОВИЧ**

**ПРОДУКТИВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ КОРОВ ГОЛШТИНСКОЙ  
ПОРОДЫ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ИХ ЖИВОЙ МАССЫ ПРИ ПЕРВОМ  
ОТЕЛЕ**

**06.02.03 - Частная зоотехния. Технология производства продуктов животноводства**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**Самарқанд - 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.1.PhD/Qx725**

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Самаркандском государственном университете ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологий.

Автореферат доктора философии (PhD на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.uzkarakul.uz](http://www.uzkarakul.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:**

**Аширов Мурадилла Ишанкулович**

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Шакиров Қахрамон Журабаевич**

доктор сельскохозяйственных наук, доцент

**Маматов Бахтиёр Салимович**

кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

**Ведущая организация:**

**Научно-исследовательский институт шелководства**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD 05/30.12.2019 Qx.75.01 по присуждению ученой степени доктора философии при научно-исследовательском институте каракулеводства и экологии пустынь (Адрес: 140154, Самарканд, ул. М.Улугбека 47. Научно-исследовательский институт каракулеводства и экологии пустынь, тел: (99866) 233-32-79, факс (99866) 233-34-81; e-mail: [uzkarakul30@mail.ru](mailto:uzkarakul30@mail.ru))

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре научно-исследовательского института каракулеводства и экологии пустынь (зарегистрировано под номером №219). Адрес: 140154, Самарканд, ул. М.Улугбека, 47. Административное здание института, 1-этаж, тел: (99866) 233-32-79; факс: (99866) 233-34-81.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

(Реестр протокола рассылки № \_\_\_ «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года).

**Э.С.Шаптаков**

Председатель научного совета по  
присуждению учёной степени,  
д.с-х.н., (DSc), доцент

**З.С.Кличев**

Учёный секретарь научного совета  
по присуждению учёной степени,  
д.ф.с-х.н. (PhD), старший научный сотрудник

**Д.Х.Холмирзаев**

Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
учёной степени, д.с-х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора (PhD) философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Скотоводство на сегодняшний день занимает важное место при обеспечении спроса мирового населения на полноценное и качественное продовольствие и производстве животноводческой продукции. «...В странах с развитым скотоводством как Голландия, Германия, США, Канада, Израиль, Дания и странах европейского союза уделяется особое внимание в улучшении продуктивных свойств и плодовитости коров, использованию племенных быков с высоким наследственным потенциалом при искусственном осеменении. В результате этого от каждой коровы молочного направления надоено в среднем за одну лактацию от 10 до 12 тысяч килограммов молока, а также повышен их уровень приспособленности к доильным установкам»<sup>3</sup>. Вместе с тем считается актуальным использование высокопродуктивных пород скота при обеспечении населения молоком и молочной продукцией.

В странах членов Содружества независимых государств, где также развито скотоводство уделяется отдельное внимание породам со свойством высокой оплаты кормов молоком. Одной из которых является голштинская порода скота. Коровы голштинской породы отличаются от других пород высокой молочностью, жирностью и коэффициентом молочности, гармоничным развитием экстерьера высоким индексом вымени и хорошей приспособленности к доильным установкам. В последнее время уделяется особое внимание исследовательским работам, направленным на обеспечение населения дешевой и качественной молочной продукцией.

